



УЎТ: 633.511:632:631.572

ЃЎЗАНИНГ ТУРЛАРАРО Ѓ₂ ОДДИЙ ВА МУРАККАБ
ДУРАГАЙИДА ТОЛАНИНГ ИП ЙИГИРУВЧАНЛИК
КОЭФФИЦИЕНТИ ТАХЛИЛЛАРИ

Рахимов Бехруз Абдурашид ўғли
Мустақил тадқиқотчи, Тошкент давлат аграр университети

Фозилбек Тореев Нуруллаевич,
Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат аграр университети

Рўзимуродов Элмурод Султонмурод ўғли,
Муҳаммаджонов Шахриёр Шукуржон ўғли,
Магистрант, Тошкент давлат аграр университети
ftoreev@mail.ru

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.17676044>

Аннотация. Ѓўзанинг *G.hirsutum L.* ва *G.barbadense L.* турларини маҳаллий навлари иштирокидаги F_2 мураккаб дурагайларда оддий дурагайларга нисбатан ип йигирувчанлик коэффициенти бирмунча ижобий ҳолатда эканлиги аниқланди.

Калим сўзлар: гўза, оддий дурагай, мураккаб дурагай, тола сифат кўрсаткичлари, ип йигирувчанлик коэффициенти, танлаш.

Аннотация. Установлено, что коэффициент прядильности сложных гибридов F_2 с участием местных сортов хлопчатника *G.hirsutum L.* и *G.barbadense L.* несколько положительнее, чем простых гибридов.

Ключевые слова: хлопок, простой гибрид, сложный гибрид, показатели качества волокна, коэффициент прядильности, селекция.

Abstract: The spinning coefficient of F_2 complex hybrids containing the local cotton varieties *G.hirsutum L.* and *G.barbadense L.* was found to be somewhat higher than that of simple hybrids.

Keywords: cotton, simple hybrid, complex hybrid, fiber quality indicators, spinning coefficient, breeding.

Кириш. Маълумки, жаҳонда пахта етиштирувчи барча давлатларда янги яратилаётган навларда толанинг сифат белгиси энг муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ѓўзанинг қимматли хўжалик белгилари юқори бўлиши билан бир қаторда тола сифат кўрсаткичлари жаҳон андоза талабларига жавоб бериши зарур. Бугунги кунда пахтачилик агро-кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан толанинг сифат кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли, қимматли хўжалик белгиларини битта организмда мужассамлантириш учун турлараро дурагайлашдан фойдаланиш бирмунча истиқболли ҳисобланади.



Тола чиқими юқори бўлган навларни яратишда якка танловларни амалга ошириш ҳамда чигит вазни ва ҳажми, тола индекси шунингдек, тола чиқими бўйича танлаш ҳамда чиқитга чиқариш ишларини жадаллаштириш лозим [1; 10-12 б.].

Ўза навлари фақат деҳқончилик талабларигагина эмас, балки енгил саноатимизнинг ҳамда дунё бозорининг пахта толасига бўлган талабларига тўла жавоб берадиган бўлиши лозим. Пахта толасининг сифати јддий ва мураккаб дурагайлаш натижасида яратилган бир қанча андоза навига нисбатан тола сифати юқори эканлиги, IV тип талабларига жавоб берадиган оилалар борлиги кузатилган, асосий қимматли хўжалик белгиларини жипслаштириб, янги нав ва бошланғич манбалар яратиш учун янги тизмалар ажратиб олинган [2; 43-44 -б.].

Тадқиқот услуги. Тадқиқотларда ўрта ва ингичка толали ўзани чатиштириш натижасида олинган мураккаб дурагайларни қимматли хўжалик белгилари математик статистик таҳлиллари Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» [5] услуги ҳамда *Ms Excel* дастури асосида амалга оширилган.

Натижалар ва мунозара. Тадқиқотларда турлараро F_2 оддий ва мураккаб дурагайларни асосий қимматли хўжалик белгилари таҳлиллари бўйича танлаб олинган 25 тадан ўсимликларни толасини ип йигирувчанлик коэффиценти кўрсаткичи таҳлил қилинди. Толанинг сифат кўрсаткичлари “Сифат” сертификатлаш марказида HVI замонавий ўлчов асбобида аниқланди.

Маълумки, пахтачилик агрокластерлари томонидан пахта толасини ип йигирувчанлик коэффицентига ҳам эътибор қаратилмоқда. Ип йигирувчанлик коэффиценти *Spinning consistency index (SCI)* - Узунлик ва пишиқлик модулида аниқланадиган ушбу қиймат толанинг ип йигирувчанлик коэффицентини аниқлайди. Дипазони 150 дан баланд–жуда юқори, 140-149 гача юқори, 130-140 гача ўрта, 120-129 гача паст, 120 дан паст жуда паст ҳисобланди. Тадқиқотларда толани сифат белгиларидан ип йигирувчанлик коэффиценти (*SCI*) бўйича ўрта ва ингичка толали маҳаллий навлар иштирокида олинган F_2 оддий ва мураккаб дурагайларда вариацион таҳлил қилинди. Ушбу белги бўйича вариацион қатор 131 дан 170 гача бўлиб, 8 синфларда ($K=5$) бўлганлиги аниқланди.

Толани ип йигирувчанлик коэффиценти F_2 оддий дурагайларда ўртача 144,6 дан F_2 (С-9082 х Сурхон-100) комбинациясида, 150,8 гача, мураккаб дурагайларда эса 145,6-152,5 бўлиб, аксарият ўсимликлар 3-5 синфларда



учради. Ушбу синфларда 141-155 оралиғида бўлиб, оддий дурагайларда 64,0-76,0 %, мураккаб дурагайларда 64,0-68,0 % оралиғида ўсимликлар учради. Андоза сифатида олинган С-6524 навида ип йигирувчанлик коэффиценти 140,9, Сурхон-14 навида 154,6 бўлганлиги қайд этилди. Турлараро F₂ оддий дурагайларда ип йигирувчанлик коэффиценти вариацион таҳлилларга кўра 156 дан юқори бўлган ўсимликлар 8 % дан, 24,0 % гача, мураккаб дурагайларда эса 12 % дан, 28,0 % гача ажралиб чиққанлиги аниқланди. Толани ип йигирувчанлик коэффиценти белгиси бўйича ўзгарувчанлик коэффиценти F₂ оддий дурагайларда 6,60-7,34 %, F₂ мураккаб дурагайларда 7,15-7,67 % оралиғини ташкил этди.

Тадқиқотларда F₂ мураккаб дурагайларда оддий дурагайларга нисбатан ип йигирувчанлик коэффиценти бирмунча ижобий ҳолатда эканлиги аниқланиб, оддий ва мураккаб турлараро дурагайлардан вариацион қаторнинг чап томонидаги ўсимликлар чикитга чиқазилиб, вариацион қаторнинг ўнг томонида жойлашган ўсимликлар танланиб, кейинги йилларда тадқиқот ишларини давом эттириш учун ажратиб олинди.

Ўзанинг F₂ оддий ва мураккаб дурагайларида толанинг ип йигирувчанлик коэффиценти кўрсаткичи ўзгарувчанлиги

Турлараро оддий ва мураккаб F ₂ дурагайлар	K=5								n	M±m	δ	V %
	131 - 135	136 - 140	141 - 145	146 - 150	151 - 155	156- 160	161- 165	166 - 170				
F ₂ (С-9082 х Сурхон-100)	2	5	10	4	2	1	1		25	144,6±3,2 5	10,2	7,11
F ₂ (С-9082хТермиз-34)	2	3	9	5	3	2	1		25	145,7±7,5 6	10,7	7,34
F ₂ (С-2609 х Сурхон-100)	1	2	5	11	3	2	1		25	146,2±7,6 3	10,7	7,38
F ₂ (С-2609 х Сурхон-14)		2	4	9	4	3	2	1	25	149,5±7,6 9	10,8	7,28
F ₂ (С-2609хТермиз-34)	3	3	10	4	3	1	1		25	145,3±7,3 9	10,4	7,20
F ₂ (ОмадхСурхон-14)	2	2	9	5	4	2	1		25	145,8±7,2 0	10,1	6,99
F ₂ (ОмадхСурхон-100)		2	3	11	3	4	1	1	25	150,1±7,0 0	9,9	6,60
F ₂ (ОмадхТермиз-34)		1	3	10	6	2	2	1	25	150,8±7,4 9	10,5	7,02
F ₂ [(С-9082 х Сурхон-100) х (С-9082 х Термиз-34)]	1	4	9	6	2	2	1		25	145,6±7,3 2	10,3	7,11
F ₂ [(С-2609 х		2	2	3	11	4	2	1	25	152,5±8,2	11,6	7,63



**“OROL BO‘YI SHAROITIDA QISHLOQ XO‘JALIK EKINLARI
SELEKSIYASI, URUG‘CHILIGI VA AGROTEKNOLOGIYALARIDA
DOLZARB MUAMMOLAR VA ULARNING INNOVATSION YECHIMLARI”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman**



Сурхон-100) х (С-2609 х Сурхон-14)]										2		
F ₂ [(С-2609 х Термиз-34) х (С-2609 х Сурхон-14)]	1	3	3	4	9	3	2		25	151,8±7,7 6	10,9	7,23
F ₂ [(Омад х Сурхон-14) х (Омад х Сурхон-100)]		1	2	5	10	4	2	1	25	152,0±8,2 5	11,6	7,67
F ₂ [(Омад х Термиз-34) х (Омад х Сурхон-100)]	1	1	2	4	11	3	3		25	151,9±7,6 8	10,8	7,15
St. С-6524	2	8	6	4	3	1	1		25	140,9±7,8 2	11,0	7,85
St. Сурхон-14		1	2	3	9	5	3	2	25	154,6±8,5 0	12,0	7,77

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ибрагимов П., Эргашев Б., Эргашева С. Юқори комплекс белгиларга эга бўлган ғўзанинг селекцион ашёлар таснифи. //Ж. Агроилм Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журнали илмий иловаси. -2019. -№2 сон. -Б. 10-12 б.
2. Тореев Ф., Ўрозов Б., Шодмонова Г., Эгамбердиев Р. Ғўзани оддий ва мураккаб дурагайлаш натижасида яратилган тизмаларнинг тола сифат кўрсаткичлари. // Ж. О‘zbekiston qishloq va suv xo‘jaligi журнали -2024. -№3. –Б. 43-44 б.